



**ГУЛАНДОМ ТОҒАЕВА**

**ТАСАВВУФ АДАБИЁТИНИНГ  
ЎЗБЕК МАТБУОТИДА ЁРИТИЛИШ  
МАСАЛАЛАРИ**



**ГУЛАНДОМ ТОҒАЕВА**

**ТАСАВВУФ АДАБИЁТИНИНГ ЎЗБЕК  
МАТБУОТИДА ЁРИТИЛИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

*1990-2006 йиллар.*

*Монография*

**TOSHKENT – 2023**

**“FIRDAVS SHOH”**

**УЎК 821-512.133-1**

**КБК 84(5Ўзб)**

**Т 93**

*Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг  
2023 йил 31 январдаги 1-сонли мажлис баённомасига асосан нашрга тавсия  
этилган.*

Масъул муҳаррир:

**Жабборов Нурбой Абдулҳакимович,**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети, Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор кафедраси мудири,  
филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

**Адиба Давлатова,**

филология фанлари доктори;

**Гуларам Машарипова,**

фалсафа фанлари доктори, профессор.

**Тоғаева Г.**

Тасаввуф адабиётининг ўзбек матбуотида ёритилиш масалалари. 1990–  
2006 йиллар. Монография/Матн/Гуландом Тоғаева. – Т.: “Firdavs Shoh”  
nashriyoti, 2023 й.. – 139 б.

Ушбу монографияда тасаввуф таълимоти ва адабиётига оид асарларнинг  
матбуотда ёритилиш масалалари муаллиф томонидан чуқур тадқиқ этилган.  
Ушбу китоб мутахассислар, профессор – ўқитувчилар ҳамда соҳага оид олий  
таълим даргоҳларида таълим олаётган барча талабаларнинг кутубхонасини  
бойитади, деб ўйлаймиз.

**ISBN 978-9943-9360-6-5**

© Г.Тоғаева, 2023

© “Firdavs Shoh” nashriyoti, 2023

*Ушбу китобимни устозларим Нажмиддин  
Комилов, Иброҳим Ҳаққулов ва Сайди  
Умировлар хотирасига бағишлайман*

## МУҚАДДИМА

Халқимизнинг тафаккур медалари бўлмиш тасаввуф таълимоти ҳозирги ва келгуси авлодларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим замин эканлиги кўп бор таъкидланган. Ана шу бой меросни холис ўрганиш, илмий баҳосини бериш, уни халққа қайтаришда миллий мустақиллик бош омил бўлди. Буни эътироф этган ҳолда, Биринчи Президентимизнинг қуйидаги фикрларини қайд этмоқ мақсадга мувофиқдир: «Биз эски тузум, эски мафкура зуғумидан халос бўлгач, ўзлимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканлигимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик»<sup>1</sup>.

Тасаввуф таълимотини чуқур ўрганиш миллий истиқлол ғоясини ривожлантиришда ва миллий мафкурани шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Биринчи Президентимиз яна бир ўринда «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини танқидий аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак<sup>2</sup>», деган эдилар. XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида улуғ боболаримиз Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорийлар меросига қизиқиш кучайгани ва бу борада салмоқли илмий тадқиқотлар қилинганлигини таъкидлаш лозим. Зеро, миллий қадриятларга эътибор билан қараш ўзликни англашга замин яратади. Жамиятимизнинг тубдан янгиланиши эса бой маънавий меросимизга таянишни талаб қилади. Айни шу маънода матбуотда ҳам жиддий қадамлар ташланмоқда. Бу ҳақда

<sup>1</sup>Каримов И.А. Имом ал Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқи. //Халқ сўзи, 1998, 24 октябр.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент.:1995, 19-бет

юртбошимиз «Матбуот ҳеч бир замонда Мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган,<sup>1</sup>» деган эдилар.

Мустақиллик йилларида ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотига бўлган қизиқиш ва унинг моҳияти хусусида талайгина мақолаларнинг яратилиши ўзи бир янги ҳодисадир. Минг йиллардан буён эъзозланиб келаётган аجدодларимизнинг ахлоқий-тарбиявий тафаккури мевалари бўлмиш улкан меросни назарий таҳлил этиш эса долзарб илмий муаммолардандир.

Тасаввуф аслида одоб ва тарбия йўлидир. Чунончи, Абдуҳолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Вали, Нажмиддин Кубро каби сўфийлар ҳаёти ва ижоди, ёзган асарлари Б.Валихўжаев, Н.Комилов, О.Усмонов, И.Ҳаққулов, О.Бўриев, С.Олим, М.Имомназаров, Б.Акрам, С.Рафиддинов, З.Қутибоев, А.Жузжоний, Ё.Исҳоқов, Ҳ.Ҳамидов, А.Абдиқодиров, Г.Наврўзова каби олимлар томонидан анча муфассал тадқиқ қилинди<sup>2</sup>.

Шу билан бирга бу таълимотнинг фақат инсон ботинида қолиб кетмай, балки жамият ҳаётига, умум манфаатига хизмат қилувчи аҳамияти юзага чиқарилди. Шу маънода, бу мавзунинг матбуотда қандай ёритилгани ва тадқиқ этилишини ўрганиш бугунги журналистика фани учун аҳамиятга эгадир.

Шу боис, тасаввуф таълимотининг назарий ифодаси ва матбуотдаги талқинини ўрганиш объекти орқали унинг жамият ривожига ҳиссаси бекиёслигини кўрсатишни мақсад қилдик. Бу мавзуни тадқиқ этиш асносида, тасаввуфнинг илмий атама сифатидаги маъносини изоҳлаш, унинг манбалари, мавзу доираси, ғоявий аҳамиятига ойдинлик киритиш, шунингдек, тасаввуфни

---

<sup>1</sup> Каримов И..А.Матбуот ва ОАВ ходимларига байрам табриги// 1997,27 июн

<sup>2</sup> Султон Иззат.Б.Нақшбанд абадияти. -Т.: Фан, 1994: Валихўжаев Б.Хожа Аҳрор тарихи-Самарқанд.: Зарафшон нашриёти, 1993: Комилов Н.Тасаввуф ёки Комил инсон ахлоқи. К-1.-Т.:Ёзувчи нашриёти, 1996: Комилов Н.Тавҳид асрори. К-2.-Т.: Ўзбекистон, 1999: Усмонов О. Ваҳдат шаробин ичдим. //Мулоқот, 1991, 6-сон, Б-51-57; Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят.-Т.:Ф.Ғулом номли наш, 1991: Бўриев О.Хожа Алоуддин Аттор. //Мулоқот, 1994, 11-12-сон, Б-45-50; Бўриев О.Хожа Муҳаммад Порсо. //Мулоқот. 1991, 1-2-сон; Олим С.Ишқ, ошиқ, маъшук.- Т.: Фан 1992: Имомназаров М.Миллий маънавиятимиз асослари - Т.: Тошкент Ислон университети, 2004: Қутибоев З. Хожа Аҳрор вали. -Т.: Фан, 1996: Жузжоний А. Тасаввуф таълимотининг илдизлари. //Мулоқот. 1995, 1-2-3-4-сонлар, Исҳоқов Ё.Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. -Т.:А.Қодирий ном. наш., 2002: Ҳамидов Ҳ.Аждодлар сабоғи-ақл қайроғи. Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998: Абдуқодиров А.Тасаввуф ва А.Навоий ижодиёти. Филол.ф.док..дисс...автореф. Т., 1998: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Ф..ф.док..дисс...автореф.Т.:2002.